
Нарх-наво барқарқарорлиги ўрганилмоқда

Тошлоқ тумани ҳоқими Абдуқаҳҳор Джурабаев марказий деҳқон бозорида бўлиб, у ердаги нарх-навони ўрганди. Туман бозорларидаги савдо фаолияти мунтазам назоратга олинган бўлиб, бу бўйича ишчи гуруҳ доимий назорат ўрнатган.

Туманимизда бозор ишларини ва бозор фаолияти билан боғлиқ жараёнларни, савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгиловчи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, бозор жойлашган ҳудуддаги эпидемиологик, ва экологик хавфсизликни таъминловчи ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари қатъий мувофиқ ҳолда ташкил этилган.

Бозордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари доимий назорат остида бўлмоқда. Бозорга олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг экспресс анализ ҳолатлари ҳам алоҳида назоратга олинган.

2020-10-08 18:40:34